

## Ўзбекистон Республикасида демографик ҳолат

2026 йил январь-март ойлари учун

- I. Асосий демографик кўрсаткичлар
- II. Доимий аҳоли сони
- III. Туғилганлар ва вафот этганлар
- IV. Никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар
- V. Аҳоли миграцияси
- VI. Демографик кўрсаткичларнинг услубий тушунтиришлари ва метамаълумотлари

### I. Асосий демографик кўрсаткичлар

2026 йилнинг 1 апрель ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони **38 382,7** минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,8** фоизга кўпайган. 2026 йил январь-март ойларида туғилганлар сони **191,1** минг нафарни, вафот этганлар **43,5** минг нафарни ташкил этиб, табиий ўсиш **147,6** минг кишига тенг бўлди. Мамлакатимизга хорижий давлатлардан кўчиб келганлар сони **721** кишини ва мамлакатдан хорижга кўчиб кетганлар сони **2 277** кишини, қайд этилган никоҳлар **42,3** мингтани, никоҳдан ажралишлар **12,7** мингтани ташкил этган.

Доимий аҳоли сони

**38 382,7**

минг киши

Туғилганлар сони

**191,1**

минг киши

Вафот этганлар сони

**43,5**

минг киши

Хориждан кўчиб келганлар

**721**

киши

Хорижга кўчиб кетганлар

**2 277**

киши

Никоҳлар сони

**42,3**

минг бирлик

Никоҳдан ажралишлар сони

**12,7**

минг бирлик

## II. Доимий аҳоли сони


Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сони 2026 йил 1 апрель ҳолатига кўра, **38 382,7** минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **684,9** минг кишига ёки **1,8** %га кўпайди. Доимий яшаш ҳудуди бўйича шаҳар жойларда **19 541,3** минг киши (жами аҳоли сонига нисбатан **50,9%**), қишлоқ жойларда эса **18 841,4** минг киши (**49,1%**) истиқомат қилмоқда. Аёллар сони **19 051,6** минг кишини (**49,6%**), эркеклар эса **19 331,1** минг кишини (**50,4%**) ташкил этмоқда.

### Доимий аҳоли сони, минг киши

|                                | 2025 йил        | 2026 йил        | Ўсиш суръати,<br>%да |
|--------------------------------|-----------------|-----------------|----------------------|
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b> | <b>37 697,8</b> | <b>38 382,7</b> | <b>101,8</b>         |
| Қорақалпоғистон Республикаси   | 2 035,1         | 2 057,7         | 101,1                |
| <i>вилоятлар:</i>              |                 |                 |                      |
| Андижон                        | 3 474,1         | 3 533,9         | 101,7                |
| Бухоро                         | 2 082,8         | 2 112,2         | 101,4                |
| Жиззах                         | 1 544,3         | 1 573,2         | 101,9                |
| Қашқадарё                      | 3 656,0         | 3 731,8         | 102,1                |
| Навоий                         | 1 099,2         | 1 115,0         | 101,4                |
| Наманган                       | 3 144,8         | 3 202,7         | 101,8                |
| Самарқанд                      | 4 315,3         | 4 396,8         | 101,9                |
| Сурхондарё                     | 2 959,8         | 3 024,9         | 102,2                |
| Сирдарё                        | 934,5           | 949,6           | 101,6                |
| Тошкент                        | 3 121,5         | 3 174,6         | 101,7                |
| Фарғона                        | 4 162,3         | 4 239,4         | 101,9                |
| Хоразм                         | 2 039,6         | 2 075,0         | 101,7                |
| Тошкент ш.                     | 3 128,5         | 3 195,9         | 102,2                |

Ўзбекистон Республикасида 2026 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 1 квадрат километрга ўртача **85,5** киши тўғри келган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,5** кишига ортган (2025 йил 1 апрель ҳолатига 1 кв. км га **84,0** киши).

### Аҳоли зичлиги, 1 кв. км га тўғри келадиган аҳоли сони



Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Доимий аҳоли сони \(жами, чораклик\)](#)

[Доимий аҳоли сони \(аёл, чораклик\)](#)

[Доимий аҳоли сони \(эркак, чораклик\)](#)

[Доимий аҳоли сони \(шаҳар, чораклик\)](#)

[Доимий аҳоли сони \(қишлоқ, чораклик\)](#)


[Аҳоли зичлиги \(жами, чораклик\)](#)

### III. Туғилганлар ва вафот этганлар

Мамлакатимизда 2026 йилнинг январь-март ойларида қайд этилган тирик туғилганлар сони **191,1** минг нафарни, ҳар минг аҳолига нисбатан туғилиш коэффиценти **20,2** промиллени ташкил этди. Туғилганлар сони 2026 йилнинг январь-март ойларида 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **7,0** минг нафарга камайган.

Вафот этганлар сони **43,5** минг кишини, ҳар минг аҳолига нисбатан ўлим коэффиценти **4,6** промиллени ташкил этди. Вафот этганлар сони 2026 йилнинг январь-март ойларида 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **2,1** минг нафарга кўпайган.


#### Туғилганлар ва вафот этганлар сони, минг киши



Республикада тирик туғилганлар сони **191,1** минг кишини, шундан ўғил болалар сони **98,5** минг (жами туғилганлар сонига нисбатан **51,5%**), қиз болалар сони **92,6** минг (**48,5%**) ва шаҳар жойларида **93,7** минг (**49,1%**), қишлоқ жойларида **97,4** минг кишини (**50,9%**) ташкил этди.

Республикада вафот этганлар сони **43,5** минг кишини ташкил этди шундан эркаклар **24,3** минг (жами вафот этганлар сонига нисбатан **55,8%**), аёллар **19,2** минг (**44,2%**) ва шаҳар жойларида **23,9** минг (**54,9%**), қишлоқ жойларида **19,6** минг кишини (**45,1%**) ташкил қилди.

### Туғилганлар ва вафот этганларнинг жинслари бўйича тақсимланиши, минг киши



Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Туғилганлар сони \(жами, чораклик\)](#)

[Туғилганлар сони \(қиз болалар, чораклик\)](#)

[Туғилганлар сони \(ўғил болалар, чораклик\)](#)

[Вафот этганлар сони \(жами, чораклик\)](#)


[Вафот этганларнинг асосий ўлим сабаблари \(жами, чораклик\)](#)

#### IV. Никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар

Мамлакатимизда 2026 йилнинг январь-март ойларида қайд этилган никоҳлар сони **42,3** минг бирлик, ҳар минг аҳолига никоҳ коэффиценти **4,5** промиллени ташкил этди. Никоҳлар сони 2026 йилнинг январь-март ойларида 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **1,5** минг бирликка камайган.

Никоҳдан ажралишлар сони **12,7** минг бирлик, ҳар минг аҳолига нисбатан ажралиш коэффиценти **1,3** промиллени ташкил этди. Ажралишлар сони 2026 йилнинг январь-март ойларида 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **1,2** минг бирликка кўпайган.


#### Қайд этилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони, минг бирлик



Республикада қайд этилган никоҳлар сони **42,3** минг бирликни, шундан шаҳар жойларида **20,2** минг бирликни (**47,7%**), қишлоқ жойларида **22,1** минг бирликни (**52,3%**) ташкил этди.

Республикада никоҳдан ажралишлар сони **12,7** минг бирликни, шундан шаҳар жойларида **7,6** минг бирликни (**59,4%**), қишлоқ жойларида **5,1** минг бирликни (**40,6%**) ташкил қилди.

#### Қайд этилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишларнинг шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши, минг бирлик



Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Тузилган никоҳлар сони \(жами, чораклик\)](#)

[Тузилган никоҳлар сони \(шаҳар, чораклик\)](#)

[Тузилган никоҳлар сони \(қишлоқ, чораклик\)](#)

[Никоҳдан ажралишлар сони \(жами, чораклик\)](#)

[Никоҳдан ажралишлар сони \(шаҳар, чораклик\)](#)

[Никоҳдан ажралишлар сони \(қишлоқ, чораклик\)](#)

#### V. Аҳоли миграцияси


2026 йил январь-март ойларида республика бўйича кўчиб келганларнинг жами сони **80 159** кишини, шу жумладан республиканинг бошқа ҳудудларидан кўчиб келганлар **79 438** кишини, хорижий мамлакатлардан кўчиб келганлар **721** кишини ташкил этди.

Кўчиб кетганларнинг жами сони **81 715** кишини, шу жумладан республиканинг бошқа ҳудудларига кўчиб кетганлар **79 438** кишини, хорижий мамлакатларга кўчиб кетганлар **2 277** кишини ташкил қилди.

### Кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони, киши

|                                | Кўчиб келганлар сони |               |            | Кўчиб кетганлар сони |               |              |
|--------------------------------|----------------------|---------------|------------|----------------------|---------------|--------------|
|                                | Жами                 | шундан:       |            | Жами                 | шундан:       |              |
|                                |                      | ички          | ташқи      |                      | ички          | ташқи        |
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b> | <b>80 159</b>        | <b>79 438</b> | <b>721</b> | <b>81 715</b>        | <b>79 438</b> | <b>2 277</b> |
| Қорақалпоғистон Республикаси   | 3 545                | 3 489         | 56         | 4 418                | 3 691         | 727          |
| <i>вилоятлар:</i>              |                      |               |            |                      |               |              |
| Андижон                        | 2 833                | 2 827         | 6          | 3 610                | 3 592         | 18           |
| Бухоро                         | 3 546                | 3 538         | 8          | 4 816                | 4 787         | 29           |
| Жиззах                         | 2 583                | 2 578         | 5          | 3 322                | 3 305         | 17           |
| Қашқадарё                      | 4 137                | 4 136         | 1          | 6 598                | 6 593         | 5            |
| Навоий                         | 4 050                | 4 041         | 9          | 4 916                | 4 405         | 511          |
| Наманган                       | 1 579                | 1 574         | 5          | 2 406                | 2 388         | 18           |
| Самарқанд                      | 4 478                | 4 464         | 14         | 5 779                | 5 764         | 15           |
| Сурхондарё                     | 3 202                | 3 197         | 5          | 4 477                | 4 474         | 3            |
| Сирдарё                        | 2 220                | 2 210         | 10         | 2 650                | 2 631         | 19           |
| Тошкент                        | 11 486               | 11 360        | 126        | 8 278                | 7 641         | 637          |
| Фарғона                        | 4 515                | 4 504         | 11         | 5 032                | 5 019         | 13           |
| Хоразм                         | 3 833                | 3 822         | 11         | 4 792                | 4 770         | 22           |
| Тошкент ш.                     | 28 152               | 27 698        | 454        | 20 621               | 20 378        | 243          |

### Хориждан кўчиб келганлар ва хорижга кўчиб кетганлар сони, киши



Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Кўчиб келганлар сони \(жами, чораклик\)](#)

[Кўчиб кетганлар сони \(жами, чораклик\)](#)

## VI. Демографик кўрсаткичларнинг услубий тушунтиришлари ва метамаълумотлари

**Демографик кўрсаткичларни** шакллантириш мақсадида, Миллий статистика қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ўртасида маълумотлар электрон алмашинуви йўлга қўйилган ва ушбу вазирликларнинг бирламчи маълумотлар базалари интеграция қилинган.

Демографик кўрсаткичларни шакллантириш учун зарур бўлган барча маълумотлар интеграция орқали электрон шаклда олиниши сабабли, алоҳида статистика кузатуви шакли тасдиқланмаган.

Демографик кўрсаткичларни тавсифловчи маълумотларни шакллантириш мақсадида, статистика органлари томонидан бошқа давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги)дан олинган аҳолининг табиий ҳаракати ва аҳоли миграцияси тўғрисидаги бирламчи маълумотлар қайта ишланади.

Демографик кўрсаткичлар бўйича статистик маълумотлар қуйидагилар асосида шакллантирилади:

- туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви;
- ўлим ҳақида далолатнома ёзуви;
- никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви;
- никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзуви;
- кўчиб келишни статистик ҳисобга олиш варақаси;
- кўчиб кетишни статистик ҳисобга олиш варақаси маълумотлари.

### Фойдали ҳаволалар

[Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда фуқаролик ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб талонлари маълумотномаларини кодлаштириш бўйича қўлланма](#)  
[Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича услубий низом](#)

Тайёрлаш учун масъул:  
Демография, меҳнат ва гендер  
статистикаси бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63  
Электрон почта: [info@stat.uz](mailto:info@stat.uz)  
Тел.: 71-203-80-00 (1240, 1241)

